

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов
академияси проректори в.в.б.нинг
2025 йил 23 сентябрдаги
3-ум-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг
Касбий кўникмалар кафедраси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон Фармонига асосан Касбий кўникмалар кафедраси кафедраси ташкил этилган.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг (кейинги ўринларда – Академия) Касбий кўникмалар кафедраси (кейинги ўринларда – Кафедра) фаолиятини тартибга солишга нисбатан татбиқ этилади. Кафедра Академиянинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

3. Кафедра ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, Академия Устави ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Кафедра ўз фаолиятини Академия ректори раҳбарлигида амалга оширади ва унга бўйсунди.

5. Кафедрада судьялик касбий этикаси ва маданиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалалари бўйича ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилади.

Тузилманинг расмий номи:

давлат тилида – Касбий кўникмалар кафедраси кафедраси;

рус тилида – Кафедра профессиональных навыков;

инглиз тилида – Department of Professional Skills.

2-боб. Кафедранинг вазифалари

6. Қуйидагилар Кафедранинг асосий вазифалари ҳисобланади:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш, судьяларни раҳбарлик лавозимларига қайта тайёрлаш, шунингдек, магистрларни ўқитиш;

касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларини қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда “назария-амалиёт-имитация” тамойили асосида касбга тайёрлашни дуал таълим шаклида ташкил этиш;

касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида амалий машғулотларни деонтологик услубда ўтказиш. Бунда тингловчиларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, суд-экспертиза ва бошқа давлат органлари ва муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этишини таъминлаш;

касбий қайта тайёрлаш курсларида судьяларнинг этикаси, психологияси ва касбий кўникмаларини шакллантириш мақсадида “виртуал судья” амалий машғулотларини жорий этиш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув дарсларини ташкил этиш;

иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асослантирилган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш усуллари таълим жараёнига жорий этиш;

тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантириш;

мунтазам равишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

тингловчиларни қонун ҳужжатларига киритилган долзарб ўзгартиришлар ва қўшимчалар, миллий ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати ва тенденциялари, шунингдек, норма ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажриба билан таништириш;

тажриба алмашиш, таълим жараёни сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Академия таълим жараёнини судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, магистрларни ўқитиш бўйича ўқув режалари ва дастурларида касбий кўникмаларни шакллантириш бўйича белгиланган машғулот турларини юксак назарий, илмий-амалий даражада ўтказиш;

кафедра илмий салоҳиятини кучайтириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш, илмий лойиҳаларни жалб этиш ҳамда фан ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

иктисодий ишлар бўйича судьялар, судьяликка номзодлар ва суд тизими ходимлари учун намунавий ўқув дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

бошқа таълим муассасаларининг турдош кафедралари томонидан тайёрланган ўқув дастурларига такриз ва хулосалар бериш;

дарсликлар, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмалар тайёрлаш;

нашр этиладиган дарсликлар, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, шу жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилган адабиётларга хулосалар тайёрлаш;

тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш, нашр этишга тавсия этиш ва уларнинг натижаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш, таълим, фан ва ҳуқуқий амалиётнинг узвийлигини таъминлаш;

кафедра профессор-ўқитувчиларининг шахсий иш режаларидаги ўқув, илмий-тадқиқот ва ҳуқуқий тарғибот ишларини кўриб чиқиш, тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш, умумлаштириш ва илғор тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотида замонавий ўқув-техника воситаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ўқитишни замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган махсус ўқув аудиторияларида ташкил қилиш;

масофали ўқитиш элементларини ривожлантириш бўйича тегишли таклифлар бериш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари, бошқа раҳбарий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва топшириқлар ижросини бажариш бўйича эксперт гуруҳлари таркибда иштирок этиш;

кафедра профессор-ўқитувчиларини мунтазам равишда малакасини ошириб туришига қаратилган тадбирлар ўтказиш, таълим хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

хорижий таълим муассасалари билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, чет эллик эксперт мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш;

кафедрада ўқитиладиган мавзулар бўйича якуний имтиҳон (синов) саволлари, тест саволлари ва казуслар тузиш ҳамда уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш;

Академиянинг ахборот-ресурс марказини кафедра таълим йўналишлари ва мутахассисликларига оид янги ўқув, илмий-амалий ва даврий адабиётлар билан узлуксиз тўлдириб боришга қўмаклашиш.

3-боб. Кафедранинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Кафедра ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш, магистрларни ўқитиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорлик қилиш;

зарур ҳолларда, экспертлик, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ва маслаҳат олиш учун давлат органлари, илмий ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини, олимлар, мутахассислар ва экспертларни жалб этиш;

маҳаллий ва хорижий олим ва экспертлар, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва адвокатларни жалб этган ҳолда тематик, жумладан, халқаро форумлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Кафедра зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шунингдек таълим жараёнини интерфаол услубда, қонунчиликни қўллаш кўникмасининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган ҳолда “назария - амалиёт-имитация” тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этиш, тингловчиларда ўқув материалларини илмий-амалий ва танқидий мушоҳада қилиш кўникмасини шакллантириш, ўқитишнинг замонавий шакллари, педагогик, инновацион, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда самарали ташкил этиш учун жавобгардир.

4-боб Кафедранинг таркиби

9. Кафедра таркибига кафедра мудири, профессори, доценти, ўқитувчиси киради.

10. Кафедра фаолиятига кафедра мудири раҳбарлик қилади ва унга кафедра фаолияти бўйича шахсий масъулият юклатилади.

11. Кафедра мудири вақтинча бўлмаганда унинг вазифасини белгиланган тартибда кафедранинг ўқитувчиси (профессор, доцент) бажаради.

12. Кафедра мудири ва ўқитувчилари (профессор, доцент) Академия ректорининг буйруғи билан лавозимларга тайинланади ва лавозимлардан озод қилинади.

5-боб. Кафедра фаолиятини ташкил этиш

13. Кафедра фаолияти ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни қамраб олган йиллик режаларга мувофиқ амалга оширилади.

14. Кафедра ўқув режалари ва дастурлари, кафедра фаолиятига тегишли бошқа вазифаларнинг бажарилиши кафедра мажлисларида муҳокама этилади. Кафедра мажлисига бошқа кафедралар ва таълим муассасаларидан ходимлар таклиф этилиши мумкин.

15. Кафедра мажлислари, қоида тариқасида, ҳар ойда камида бир марта ўтказилади.

16. Кафедра мажлисларида муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан тегишли қарор кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кафедра мажлислари қарорлари профессор-ўқитувчиларнинг камида учдан икки қисми иштирокидаги кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

17. Кафедранинг ҳар бир мажлиси кафедра мудири (мажлис раиси) ва мажлис котиби томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

18. Кафедрада қуйидаги ҳужжатлар юритилади:

ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни қамраб олган кафедранинг иш режалари;

кафедрага тегишли фанлар бўйича норматив-ҳуқуқий, ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатлар;

мажлис баённомалари;

ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари бўйича тайёрланган таклиф, хулоса ва бошқа ҳужжатлар;

Академия ректори томонидан тасдиқланган ва тегишли тартибда келишилган ҳужжатлар йиғма жилдлари номенклатураси бўйича назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

19. Кафедра мудири ва профессор-ўқитувчиларининг алоҳида иш режалари Академия ректори томонидан тасдиқланади.

6-боб. Яқуний қондалар

20. Ушбу Низом Касбий кўникмалар кафедраси фаолиятини ташкил этувчи асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

21. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низоли ҳолатлар Академия Устави, ички норматив ҳужжатлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

22. Низом Академия ректори томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

23. Мазкур Низомга Академия ректорининг буйруғига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.